

Иқтисодий-хукуқий газета

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

**СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ  
ХУКУК**
**Конун ижодкорлари нималар устида ишлашмоқда**

Олий Мажлис Конунчилик палатасининг 27 апрелдаги ялпи мажлисида қўйидаги конун лойиҳалари кўриб чиқилди ва қабул қилинди:

- «Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида мувофиқликни баҳолаш тўғрисида» (биринчи ўқиши);
- «Ўзбекистон Республикасининг айрим конун хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» (биринчи ўқиши);
- «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида» (биринчи ўқиши);
- «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (биринчи ўқиши).

Депутатлар, шунингдек, Олий Мажлис Конунчилик палатаси ҳузуридаги доимий асосда ишлайдиган Норматив-хукукий атамалар комиссиясини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқдилар.

**СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ СОҲАСИДА  
УЧИНЧИ ҚОНУН ҲАМ БЎЛАДИ**

Парламентнинг қўйи палатаси ишлаб чиқарган маҳсулоти ёки кўрсатган хизматлари мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган миллий ишлаб чиқарувчilar манфаатлariiga дахлдор қонун лойиҳалари устида иш бошлаб юборди.

Хозирги вақтда мазкур соҳа конунчилик даражасида иккита таянч хужжат билан расамадга солиб келинмоқда, булар – кейинчалик бир қатор ўзгартишлар ҳам киритилган «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги ҳадли Конун\* (1993 йил) ҳамда 2009 йили қабул қилинган «Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Конундир\*\*. «Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Конун стандартлаштириш ва сертификатлаштириш жабхасидаги учинчи қонун бўлиб, биз учун Жаҳон савдо ташкилоти сари қўйилган навбатдаги қадам бўлиб қолади.

Мазкур лойиҳани ишлаб чиқишига асос бўлган табблар кўп. Булар орасида мувофиқликни баҳолаш – сертификатлаштиришнинг ягона шаклидан бирмунча мослашувчан тизимга ва хилма-хил шакларга, шу жумладан декларациялашга ўтиш учун конунчилик базасини яратиш зарурati ҳам бор. Мазкур Конун билан шунингдек амалдаги бошқа қонунларда етарлича тавсиф топмаган жараёнлар ва талаблар расамадга солинади.

Аввалига ягона тармоқ конуни яратиб, барча мавжуд нормаларни унга жамлаш мўлжалланди. Бу Конун қабул қилингач, «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги эски Конунни бекор қилиш мумкин деб ўйланган эди. Аммо бундай бўлган тақдирда конун хужжати ҳаддан ташқари катта бўлиб кетар, идрок этишда мураккабликлар келтириб чиқарар эди. Шу сабабли бу фоя устида иш олиб боришдан воз кечилди.

Янгиликлардан охир-оқибат миллий ишлаб чиқарувчilarга қандай наф бўлади? Конун лойиҳаси устида иш олиб борувчilарнинг фикрича, «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги амалдаги Конун маҳсулотга таалуқли мажбурий техник талабларни белгилаш соҳасида ягона давлат сиёсатини таъминлайди. «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Конун эса сертификатлаштириш масалаларини муфассал очиб беради. Хисоб бўйича учинчи ва ҳозирча охирги деб мўлжалланаётган «Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Конунда бу жабҳадаги умумий йўналишлар очиб берилиши ҳамда мувофиқликни декларациялаш масалалари, шунингдек уни баҳолаш билан шуғулланувчи органларни аккредитациялаш масалалари муфассал баён этилиши лозим.

**ЭЪТИРОЗЛАР БОРМИ?**

Конун лойиҳаси биринчи ўқишида кўпчилик овоз билан қабул қилинди. Лойиҳани ёклаб 115 овоз берилди, 11 депутат бетараф қолди, 5 та қарши овоз берилди. Муҳокама қизғин ўтди, кўпчилик ўз фикрини билдиришга, конун лойиҳасидаги, унинг кон-



Полянте Свешников,  
Конунчилик ва суд-  
хукук масалалари  
қўмитаси аъзоси.

цепциясидаги заифрок хойларга этиборни тортишга уринди. Парламентнинг танқидий фикр билдирган аъзолари орасида яқин-яқинларга таникли тадбиркор сифатида танилган, эндиликда ЎзЛидеп фракцияси таркибида депутатлик фаолиятини олиб бораётган Полянте Свешников ҳам бор. У сертификатлаштириш миллий тизимининг бутун нозик жиҳатларини беш қўлдай яхши билади.

Унинг фикрича, бу соҳадаги тартиб-таошларни соддалаштириш сертификатлаштиришнинг мослашувчандан йирокроқ, турфа хил тизимини талаб этмайди, аксинча бу йўлдаги поғонани имкон қадар камайтириши, айтайлик, биринкита оддий тартиб-таомиллар билан кифояланиши тақозо этади. Депутат мажбурий сертификатлаштиришдан батамом воз кечган давлатларни мисол тариқасида келтириб, уларда тадбиркорлар ўз маҳсулотини ихтиёрий равишда сертификатлаштириш харакатига тушиб қолганлигини ва бу йўл билан рақобатлашув борасида афзалликларга эришилганлигини айтиб ўтди. Полянте Свешников шунингдек қонуннинг баъзи хукуқбизарликлар учун реализация қилинган маҳсулот қўймати миқдорида жарима ундириши, боз устига маҳсулотнинг ўзини олиб кўйишни назарда тутубларини ўта қаттиқ-қўллик асосидаги норма деб айтди. Бундай ҳолларда жарима жазоси, депутатнинг фикрича, ортиқча. «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Конуннинг 23-моддасида мажбурий сертификатланиши лозим бўлган сертификатланмаган маҳсулотни реализация қилганлик учун жарима назарда тутубларини ва кўлчилик унга одатланиб ҳам қолганлигини эслаш кифоя. Аммо янги қонун лойиҳасида қўшимча шартлар белгиланиб, ўша оғир жазо ҳам назарда тутубларни.

Ниҳоят Свешников бошқа депутатларнинг этиборини сертификатлаштириш органларининг ҳаддан зиёд юқори тарифларига қаратди. Унинг сўзларига қаранганд, бугунги кунда рухсат этувчи хужжат олиш каттагина чиқим талаб этмоқда: «рангдор принтерда босиб чиқарилган оддийгина битта юпқа қозоз (мувофиқлик сертификати) тадбиркорга фаолиятнинг амалда ҳар қандай тури бўйича 200-300 минг сўмга тушмоқда. Ҳар қандай ускунани чиқариша техник шартларга буюртма 1,2-1,5 млн сўм билан баҳоланмоқда».

2-бетда


**ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ  
ФАРМОЙИШ БЕРУВЧИ ДИРЕКТОРИ  
ЎРИНБОСАРИ НАОЮКИ  
ШИНОХАРАНИНГ БАЁНОТИ**

Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) фармойиши берувчи директори ўринбосари Наоюки Шиноҳаранинг Ўзбекистон Республикасига ташрифи нийоясига етгани муносабати билан ХВЖ ташкилалар департаменти унинг қўйидаги баёноти эълон қилинган пресс-релиз тарқатди:

«Бу менинг Ўзбекистонга ХВЖ фармойиши берувчи директорининг ўринбосари сифатида илк ташрифим бўлиб, самимий меҳмондустлик ва Ўзбекистон иқтисодиёти юзасидан самарали муҳокама ўтказишига кенг имконият яратгани учун Ўзбекистон ҳукумати ва Марказий банкига миннатдорлик изҳор этаман.

Ушбу ташриф давомида Осиё тараққиёт банкининг йиллик мажлисида ҳам иштирок этдим. Бу менга хусусий ва давлат сектори вакиллари билан жаҳон валюта тизимини ислоҳ қилиш ва Осиёда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашиш учун яхши имконият бўлди.

Ўзбекистон мамлакат раҳбариятининг пухта ўйланган, ҳозирги даврда иқтисодий юксалиш учун улкан ресурсларни жамлаш имконини

берган оқилона сиёсати туфайли глобал иқтисодий инқирозни муваффақиятли енгиг ўтмоқда. Айни пайтда жаҳон молия бозорларидан кредит жалб қилиш масаласига фоят эҳтиёткорона ёндашилгани ҳам глобал инқирознинг Ўзбекистонга таъсирини юмшатища мухим омил бўлди. Жаҳон иқтисодиёти соғломлашиб, минтақадаги ахвол яхшиланиб боргани сари 2010 йилда Ўзбекистонда ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиш суръатлари янада юқори бўлиши кутилмоқда.

Ўзбекистоннинг мустаҳкам бюджет-солиқ тизими ва ташкил алоқалари мамлакат иқтисодий салоҳиятини янада юксальтириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш учун улкан имкониятлар яратади.

Биз Ўзбекистон билан самарали ҳамкорлик давом этишига ишонамиз».

**Халқаро валюта жамғармаси.  
Вашингтон,**

**Колумбия округи, АҚШ.  
2010 йил 5 май.**

**Конунчиликдаги янгиликлар**
**ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ  
ТАҚДИМ ЭТАМИЗ**

Мазкур ва бошқа хужжатларнинг тўлиқ матни билан [www.norma.uz](http://www.norma.uz) сайтидаги эркин кириладиган «Конунчиликдаги янгиликлар» руникида танишиб чиқишингиз мумкин.

**СУДЛАР  
ТАКОМИЛЛАШМОҚДА**

Президентнинг 2010 йил 26 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик судлари тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида» ПФ-4214-сон Фармони билан Олий ҳўжалик суди ҳамда Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судларининг тузилмалари ва умумий чекланган сони тас-

диленди. Чунончи, судъялар ва бошқа ходимларнинг сони кўпайтирилди. Илгари ҳўжалик судлари тизимининг умумий сони 347 бирликни ташкил қилинган, энди эса минтақавий ҳўжалик судларининг ўзида уз50 ходимдан кўпроқ.

**ҲУЖЖАТЛАР  
МУВОФИҚЛАШТИРИЛДИ**

Президентнинг 2010 йил 28 апрелдаги 2-бетда

1-2-бетлар

Депутатлар қизғин  
иши жараёнда

\$1 = 1569,23 сўм

1-2-бетлар

Қонун ҳужжатларига  
қисқа шарқ

€ 1 = 2083,78 сўм

Б-бет

Интеллектуал мулкимизни  
қандай жимоялаймиз?

£ 1 = 2391,98 сўм

6-бет

Юрист  
маслаҳати

¥ 10 = 167,06 сўм

## СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ СОҲАСИДА УЧИНЧИ ҚОНУН ҲАМ БЎЛАДИ

1-бетда

Қонун лойиҳасини иккинчи ва учинчи ўқиш асосида депутатлар нимага эришадилар, деган саволга Полянте Свешников жавоб бериб айтдики, лойиҳа концепциясига эътироzlар борлигига қарамай, бундай қонун чиндан ҳам зарур эканлиги боис у концептуал асосда қабул қилинди. Жаҳон савдо ташкилотига кириш нияти, сертификатлаштириш соҳасини тартибга солувчи қонун хужжатлариидаги кемтикликлар ва бошқаларни шундай сабаблар сирасига киритиш мумкин. Парламентнинг вазифаси, депутатнинг назарида, бу хужжат билан иқтисодий устуворликларимиз – Президентнимиз ташабусига кўра ишлаб чиқилган, мамлакатда тадбиркорликни эркин ривожлантиришга халакит берадиган барча тўсиқларни бартараф этиши йўли ўзак қисмими ташкил этувчи устуворликлар ўртасида озгина зиддият бўлган тақдирда ҳам уни бартараф этишдан иборатdir.

## РЕКЛАМА БЕРУВЧИЛАР ВА ПИВОЧИЛАРНИ ДОҒДА ҚОЛДИРИБ

«Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш хақида»ги, куввати ҳар қандай даражада бўлган ичкиликларни, тамаки ва тамаки маҳсулотларини реклама қилишни, шу жумладан уйларнинг сирт томони ва пештоқида, кириш жойлари ва йўлакларда, витриналарда, кўэ-кўз қилиб кўйиладиган нарсалар ва бошқа савдо объектлари жойларида бундай маҳсулотларнинг тасвирларини, номларини ва улар ҳақидаги бошқа ахборотларни жойлаштиришини амалда тамомила тақиқлашни мўлжаллаётган қонун лойиҳаси ўз вақтида Сенат томонидан маъқулланмаган эди. Бу лойиҳа яна айланиб Қонунчилик палатасида биринчи ўқишида қабул қилинди.

Мисли кўрилмаган қаттиқўллик билан йўғрилган бу қонун лойиҳаси (бундай товарларни реклама қилишнинг чет элларда қанчалик қаттиқ шартлари белгиланган бўлмасин, жаҳонда Ўзбекистонга ўхшаш бошқа биронта ҳам дунёвий давлатда бундай қонун хужжати йўқ) давлатимизнинг соғлом ва ҳар тарафлама баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган йўлига тўла жавоб тақдирда ҳам уни бартараф этишдан иборатdir.

беради. Аммо таърифи неча элларга таралган «Сарбаст» пивоси нима бўлади? Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси аъзоси, «Миллий тикланиш» партияси фракциясидаги депутат Игорь Кореневнинг бу луқмаси масаланинг иқтисодий томонини ўйлашга ундиади. Зотан, бу масала жаҳон бозорларида ги номатлуб ҳолат, мамлакатимизда инқирозга қарши кўрилаётган чоралар, қолаверса, миллий иқтисодиётнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга талаб-эҳтиёж сезиши нуқтаи назаридан айниқса долзарблек касб этади. Иқтисодиётда эса ҳамма нарса бир-бири билан чамбарчас боғлиқ: бир жойни ортиқча таранглаштириб юборсанг, бошқа жой ситилиб кетиши ҳеч гап эмас...

Пивочилар ҳозирнинг ўзидаёт неча миллионлаб евро билан баҳоланадиган заарлар муқаррар эканлиги ҳақида, мамлакатимиз худудида бу йўналишдаги ишлаб чиқариш қувватлари ишни ийғиширишини, хорижий инвесторлар бошқа ишларни режалаштиришга ўта бошлаганликларини айтмоқда.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳаммага мақбул келишув йўли топилади деб умид қиласиз.

Юлия ЯШИНА,

«Норма маслаҳатчи» маҳсус мухбири.

калари ва шлемлари ҳамда бошқа ўт ўчирув мосламалари ҳам сертификатланиши шарт.

## КИРИШ, ЧИҚИШ ВА ТРАНЗИТ

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 апрелдаги 78-сон қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий автотранспорт воситалари кириши, чиқиши ва транзит ўтишини назорат қилишни янада тақомиллаштириш тўғрисида» қарорининг (2008 йил 17 декабрдаги 274-сон) («СБХ»нинг 2010 йил 6 майдаги 19 (823)-сон хужжатлар пакетида чоп этилган) 1-иоловасига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, қўшимча йигимнинг қўйидаги ставкалари белгиланди:

Тоҷикистон Республикасининг юк автотранспорт воситалари ва автобуслари учун – 90 АҚШ доллари (илгари – 50);

Туркманистоннинг юк автотранспорт воситалари учун: 10 тоннагача юк кўтарадиган юк автотранспорт воситалари ва ўриндиклари 12 тадан кам бўлган автобуслар учун учун – 35 АҚШ доллари (илгари – 20); 10 тонна ва 10 тоннадан ортиқ юк кўтарадиган юк автотранспорт воситалари ва ўриндиклари 12 тадан ортиқ бўлган автобуслар учун – 55 АҚШ доллари (илгари – 30);

бошқа хорижий давлатларнинг юк автотранспорт воситалари ва автобуслари учун – 175 АҚШ доллари (илгари – 100).

## МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза килиш вазирининг бўйруги (2010 йил 23 апрелдаги 2100-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ногиронлар, шу жумладан, ногиронлар – уруш қатнашчилари ва чернобилчилар жамиятининг ўқув-ишлаб чиқариш ташкилотлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари тасдиқланди.

2010 йил 3 майдан кучга кирди.

## ҲИСОБВАРАҚЛАР РЕЖАСИ ЯНГИЛАНДИ

Молия вазирининг бўйруги (АВ томонидан 2010 йил 26 апрелда 2101-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ғазна ижроси бухгалтерия ҳисобининг ягона счилар режаси тасдиқланди. Буйрук молия ва назначилик органлари, бюджетдан маблаг олувчилик ижроси бухгалтерия ҳисобининг ягона ҳисоблар режасини тасдиқлаш ҳақида»ги бўйруги (рўйхат рақами 1570, 2006 йил 3 май) ва бошқа хужжатлар ўз кучини йўқотган деб топилди.

Хужжат билан молия вазирининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети назаретни назоратни асосида тайёрланди. 2012 йил 1 январдан кучга киради.

## ЁНГИНГА ҚАРШИ СЕРТИФИКАТ

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 27 апрелдаги 77-сон қарори билан Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатига (Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори билан тасдиқланган) ўзгартиш ва қўшимча киритилди («СБХ»нинг 2010 йил 6 майдаги 19 (823)-сон хужжатлар пакетида чоп этилган). Энди ёнгинни ўчирувчи куқун (асосида нарият бикарботани бўлган), ёнгиндан химояловчи бўёклар ва локлар, асл ҷармдан тайёрланган ёнгиндан кутқарув камарлари, ўтирувчиларнинг ёнғисизлиги учун ишлатиладиган арқонлар, ўтирувчилар кас-

Меъёрий-ҳукукий хужжатларнинг қисқача шархлари 2010 йил 24 апрелдан 30 апредгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами»нинг 17-сони асосида тайёрланди.

– Ўзбек ўғлонининг бетимсол иши  
3-бет

✓ ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ  
– Ортиқча тўловни қандай қайтариш мумкин  
4-бет

✓ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК

– Интеллект – ҳукукий муҳофаза қиливчи  
5-бет

✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ  
– Имтиёз тўғри қўлланиши керак  
6-бет

✓ top  
7-8-бетлар

СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ СОҲАСИДА УЧИНЧИ ҚОНУН ҲАМ БЎЛАДИ	
1-бетда	

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

ПФ-4215-сон Фармони билан Президентнинг айрим хужжатларига ва хукumatнинг баъзи қарорларига хужжатларни

Президентнинг 2010 йил 2 мартағи «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиши тўғрисида» ПК-1293-сон қарорига мувофиқлаштирувчи ўзгартишлар киритилди. Чунончи, хужжатлар матнидаги Монополиядан чиқариш давлат кўмитасининг номи ва ваколатлари қонунчиликнинг тегишили янги қоидаларига мувофик алмаштирилди.

Монополиядан чиқариш давлат кўмитаси хузуридаги Тадбиркорликин кўллаб-куватлаш ва корхоналарни таркибий ўзгартириш жамғармаси тутагилганлиги муносабати билан энди фақат корхоналар мулқдорлари, кредиторлари, бирлашмалар (хўжалик ушмалари), бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий ёрдами корхоналар санациясига ўтказиш учун маблаг манбалари бўлиб ҳисобланади. Жамғарма маблагларини мақсадли равишда ажратиш кўринишидаги давлат маблагларини жалб этиши йўли билан санация ўтказиш шакли эса чиқариш ташланди. Ҳужжат билан бошқа ўзгартишлар ҳам киритилди.

### БОЗОРЛАР САВДО КОМПЛЕКСЛАРИГА АЙЛАНДИ

Президентнинг 2010 йил 26 апрелдаги «Деҳон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПК-1326-сон қарори билан Коралопистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига ДСК, Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш давлат кўмитаси билан биргаликда:

### МДҲ ВА БОЛТИҚБҮЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	6.05.2010	1	0,8035	1	1,0322	1	0,0267
Арманистон	6.05.2010	1	386,53	1	495,38	1	12,82
Беларусь	7.05.2010	1	2981,00	1	3810,61	1	98,39
Грузия	6.05.2010	1	1,7699	1	2,2913	1	5,963
Қозогистон	7.05.2010	1	146,86	1	188,29	1	4,87
Қирғизистон	7.05.2010	1	45,65	1	60,7157	1	1,5642
Латвия	7.05.2010	1	0,548	1	0,702804	1	0,0182
Литва	7.05.2010	1	2,7097	1	3,4528	10	8,9148
Молдавия	6.05.2010	1	12,6133	1	16,3209	1	0,4237
Тоҷикистон	6.05.2010	1	4,3684	1	5,7142	10	1,4214
Ўзбекистон	4.05.2010	1	1569,23	1	2083,78	1	53,83
Украина	6.05.2010	100	792,59	100	1024,3433	10	2,6703
Эстония	6.05.2010	1	12,2067	1	15,6466	1	0,404706

Манба: [www.prime-tass.ru](http://www.prime-tass.ru)

✓ ҚОНУН ИЖОДКОРЛАРИ НИМАЛАР УСТИДА ИШЛАШМОҚДА  
– Сертификатлаштириш соҳасида учинчи қонун ҳам бўлади  
– Халқаро валюта жамғармаси

фармойиш берувчи директори ўринбосари Наоюки Шинохаранинг баёноти  
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз  
– Валюталар курси 1-2-бетлар  
✓ 9 МАЙ – ХОТИРА ВА КАДРЛАШ КУНИ

&lt;p

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

Улар Буюк Фалабани таъминлаган эдилар

# ЎЗБЕК ЎГЛОННИНИНГ БЕТИМСОЛ ИШИ

**Улар чиндан ҳам Буюк Фалабани таъминладилар.** Маглуб этилган Берлиндан Москвага 1945 йили 9 майда Фалаба Байробини ва фашистлар Германияси Сўзсиз таслим бўлганлиги ҳақидаги хужжатни келтирган совет Ҳарбий ҳаво кучларига қарашли «Дуглас» СИ-47 ҳарбий-транспорт самолётининг ана шу экипажи аъзолари орасида юртошимиз – моҳир учувчи Абдусамат Тайметов ҳам бор эди. А. Тайметов Москва яқинида жойлашган 10-алоҳида гвардиячи авиация дивизиясида хизмат қилган.

У мамлакат олий раҳбариятининг топшириғига кўра Финляндия, Норвегия, Руминия, Югославия, Франция, Англия ва бошқа кўпгина хорижий давлатларга ҳам парвоз қилган. Фронт ёқалаб ва фронт ортига кўп бора ўз «пўлат қуши»ни учирган. Душман ортига қилинган парвозлар чогида ҳаётини ҳавф остига кўйиб кўпроқ кечалари партизанлар қароргоҳлари сари учиб, ҳалқ қасоскорларини курол-яроғ, дори-дармон ва озиқ-овқат билан таъмин

этган. Жойларга асосан қизлардан иборат радиостларни, шунингдек разведкачи гурӯхлар ва партизанлар сафини тўлдирувчи бошқа кишиларни элтиб кўйган. У ердан ярадор ва беморларни олиб қайтган. Белгиланган манзилга элтилган юкларни ерга кўнмай туриб, яни юқоридан ташлаб эгаларига етказган – бундай транспорт операцияларида у ниҳоятда абжирлиги билан ажralиб турган.

Тажрибали учувчи барча топшириклини бенуқсон, таъбир жоиз бўлса, қойиллатиб адо этган. Ўз ишининг ҳақиқий устаси рутбасига эришганлик, соҳасини мукаммал ўзлаштирганлик белгиси ҳам ана шунда – ҳамма юмушлар аъло даражада бажарилишида бўлса керак. Абдусаматни хизматдошлар айни шу фазилатлари учун ҳам ниҳоятда ҳурмат килишарди, дивизия командири генерал-майор Ш. Чанкотадзе ва бошқа раҳбарлар ҳам уни жуда қадрлардилар.

Аммо бу галти парвоз ўзгача эди. Москва – Берлин – Москва йўналиши бўйлаб ўтказилган парвоз Тайметов ва унинг ўртоқлари хотирасида мангу муҳрланиб қолди

ва ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, сабиқ Совет Иттифоқи барча ҳалқларининг тарихига фашизмга қарши қонли муҳораба хотима топганлигининг рамзи, ғалаба нашидасининг авж нуқтаси бўлиб қолди.

Берлинга учиш арафасида, 1945 йил 8 май куни самолётлар кўнимгоҳини кўриқлаб турган кўриқчи Москванинг Марказий аэроромида учувчиларни ўз самолёти ёнига йўлатмаган. Солдат курол ўқталиб, экипажни ҳаво кемаси ёнига яқинроқ боришини ҳам қатъян ман этиб туриб олган. Орадан кўп йиллар ўтганидан сўнг Абдусамат Тайметов ўзининг автобиографик ёзувларида ўша ғалати воқеани эслаб шундай деб ёзган эди:



Берлин, 1945 йилнинг майи. Аскарлар парадида Фалаба Байробини Москвага жўнатишдан олдин. (Павел Чиркин сурати).

Этилган аэророма тегасига етиб бордик. Кабинадан қўлимни чиқарип яшилранг ракета отиш билан сигнал бердим. Шу заҳоти бир вақтнинг ўзида учта-учтадан қиравчи самолёт яшин тезлигига юқори кўтарилишига тушди. Шундагина иккичи хатжилди очдик. Кўзларимга ишонмайман – йўлимиш тўғри Берлинга қараб белгиланган эди. Темпельгоф аэроромига кўниши мизер керак. Мовий тусли сопол лаганни эслатувчи немислар пойтахти узра бизни кузатиб келган қиравчи самолётлар қанот силкиб хайрлашган қушлар мисол ёлғиз қолдириб кетиши.

Самолётни пастлата бориб белгиланган жойга кўндиридик. Кўниш миңтақасининг икки ёни ёқалаб олтин погонли ва кўлларида қизил байрокли офицерлар тизилиб тургани мени ҳам таажужубга солди, ҳам чўйтди. Берлин аэророми диспетcherи радио орқали «жонли» коридор рулни тўғри олиши мизига мўлжалланган йўлка эканлигини ва биз шу йўлкадан аэророма перронига самолётни тақаб олиб боришимиз ва йўловчиларимизни туширишимиз кераклигини айтди. Ҳаммасини айтилганидек қилдик.

Перрон танга отсанг, ерга тушмайдиган даражада тирбанд. Ре-

портерлар, кино ва фотооператорлар фик-фіж. Кутуб олаётганларнинг олдида – армия генерали В. Соколовский. Биз билан келган юқори мартабали йўловчилар самолётдан тушиб енгил автомашиналарга ўтириб, шаҳарга йўл олдилар.

Биздан кейин Темпельгоф аэроромига иттифоқчиларимизнинг самолётлари келиб қўнди. Уларда Берлинга Германиянинг сўзсиз таслим бўлиши ҳақидаги хужжатни имзолаш маросимида иштирок. этадиган Америка, Англия ва Франция делегациялари келган эди. Энг охирида келиб қўнган икки моторли самолётдан немис фельдмаршали Кейтель ўз аёнлари билан тушиб келди. Манзаранинг ўзи жаҳонни сўрамоқчи бўлган фотихлик шармандаларча мағлубият билан хотимасига етганидан дарак берарди гўё.

Самолётни кўнимгоҳининг чеккарогига ҳайдаб бориб, кучайтирилган кўриқчилар ихтиёрига топширдим. Самолётни тарқ этмаслик буюрилган эди. Тушлик ва кечки овқатни ҳам шу ерга олиб келишиб. Самолётнинг ўзида кўзни илнириадиган бўлдик. Семенков парвоз хужжатларини расмийлаштириш учун шаҳарга жўнаб кетди. Озгина бўш вақт борлигидан фой-

даланиб, биз – экипажнинг барча аъзолари чор атрофдаги иморатларни, ёнилги-мойлаш материаллари омборхоналари ва таъмирлаш устаҳоналарини кўздан кечирдик. Ҳаммаси яхши, пишиқ курилган. Бу жиҳатдан немисларга тан берса бўлади – иморат куриши ўнинг қўйишади-да. Ҳечқиси йўқ, ҳадемай бизда булардан ҳам яхшироғи бунёд этилади.

Эрта тонгда одамларнинг кувонч садолари-ю, автомобиль моторларининг шовқини оламни тутди. Самолётдан пастга тушишимиз билан хурсандчилигининг чеки йўқ оломон бизни куршаб олди. Фалаба! «Таслим бўлиш ҳақидаги хужжат имзоланибди. Ҳамманинг кувончи чексиз, таниган-таниманинни табрикламоқда.

Бир генерал, фамилиясини билмайман, Семенковга пакет узатиб, «бунда Таслим бўлиш ҳақидаги хужжат ва Фалаба Байроби бор. Буйруқ шу: бугуннинг ўзида Москвага етказиб боришини гиз ва Олий Баш Кўмандон ставкаси вакилига топширишингиз шарт, бу сизга алоҳида топширик», – деб тайинлади. Командир билан ёнма-ён турардим. Азбаройи шодлиқдан кўзларимдан дув-дув ёш окқанини ҳам сезмай қолибман. Алексей Иванович пакетни



Абдусамат Тайметов.  
Москва, 1945 й.

менга узатиб «Маҳкам ушла – бу бизнинг Фалаба!», – деди тантанавор.

Самолётимизга журналистлар, кинооператорлар ва фотографлардан иборат катта гурӯҳ ҳам ўтириди. Эрта тонгда роппа-роса соат тўртда рулни Москва сари буриб парвоз қилдик. Таслим бўлиш хужжати имзоланганига қарамай, у ер-бу ерда фашистлар ҳамон қаршилик кўрсатмоқда эди. Янчидан ташланмаган душман йўлимизга тўған бўлмаслиги учун йўналиш айланма қилиб белгиланган эди. Шабабли қайтиша бирмунча кўпроқ – беш соат учдик.

Москванинг Марказий аэроромига яқинлашганимизда биз учун йўлни очиб қўйишиди. Самолётни кўндиришдан олдин ғалаба нишони сифатида бир кур айланаб учдик. Самолёт эсон-омон кўнгач, аэророма биноси олдида бизни тумонат одам кутуб олди. Ҳамма Берлиндан чинакам бебаҳо юк – тинчлик олиб келганингимизни аллақачон билган экан. Одамларнинг шодон чехраларини кўрсангиз эди!

Алексей Семенков Ставка ва килига топшириқ бажарилганини ҳақидаги ахборот бериб, унга пакетни узатди. Йигилганлар орасида довюраклар ҳам кўп экан, хиёл ўтмай, бизни – учувчиларни кўтариб олиб, қаҳрамонларимизга шон-шараф бўлсин дея осмонга қайта-қайта иргитдилар. Уларнинг кўлидан базур кутулиб, оломонни ёриб ўтиб ёткоҳонага кириб олишга ошиқдик. Дам олгач, ноңушта қилгани бордик, буни аслида тушлик деса ҳам бўларди. Йўлимида учраган полкодшо борки, ҳамма-ҳаммаси бизни чин юракдан шодланиб кутлар, масъулиятли вазифа муваффакиятли яқунлангани билан табриклар эди. Бу чиндан ҳам ўзбек ҳалқининг мендек оддий ўғлони зиммасига тушган зўр шараф, ғалабага қўшган бетимсол улуши эди!

**Игорь БИРЮКОВ.**  
Ушбу материалини зълон қилишда Абдусамат Тайметов Тошкентда унинг набириаси Ансар Тайметов томонидан чол этилган автобиографик ёзувларидан фойдаланилди.

**Божхонага ортиқча ҳақ тұлашыннан сабаблары турлықа бүлиши мүмкін, бирок ҳар қандай ҳолда ТИФ иштирокчи-синг үз маблагларини қайтарып олиши ғоҳида мушкул бўлади. Фикримизча, бизнинг тавсияларимиз қандай идораларга мурожаат қилиш кераклиги ва ортиқча тұланган ёки нөқонуний ундирилган тұловларни қайтарып олиш учун қандай ҳужжатларни тайёрлаш лозимлігіни билиб олишда ёрдам беради.**

Айтиш лозимки, ташки савдо фаолияти иштирокчилари божхона тұловларини ортиқча тұлайдын вазиятлар күп учраб туради. Мисол учун, бирор-бир маҳсулотни мунтазам равишда олиб киругчи ва олиб чикувчи ташкілотта одатта божхона органи билан ҳамкорлик йўлга кўйилган бўлади, баъзан юзага келадиган мушкүллар иш жараёнида ҳал қилинади. Бирок навбатдаги давр якунлари таҳлил қилинганда, тұловлар режалаштирилган бюджетдан ортиқча ўтказилғанлиги маълум бўлади. Ортиқча тұловнинг сабаблари ҳар хил бўлиши мүмкін. У божхона организмидан божхона юк декларацияси (БЮД)да эълон қилинган товарларнинг ТИФ ТН кодини ўзгача деб қабул қиласында тұфайли юзага келган бўлиши мүмкін, бунинг оқибатида башқа тасніф тұғрисида қарор қабул қилинади ва божнинг кутилаётган ставкаси ўрнига кattaroқ ставка кўлланилади. Ёки божхоначилар декларант эълон қилған товарларнинг божхона қийматига кўшилмай, унга тузатиш киритадилар, бунинг натижасида божхона тұловлары суммаси анчагина кўпайди.

Албатта, күп ҳолларда тұловлар қонуний равишида оширилади. Бирок баъзан божхона органи муайян ҳолатлар ва битим шартларини ҳисобга олмасдан қарор чиқаради. ТИФ иштирокчisi эса тұловни тұлаб, кейинрок унинг ҳаддан ортиқлигини исботлайды ва ортиқча ўтказилған суммани қайтарып олиш ҳуқуқини олади.

ТИФ иштирокчisida ортиқча ундирилган тұловларни қайтарыш учун барча асослар мавжуд бўлған вазиятда қандай йўл тутиш лозим?

## РАСМИЯТЧИЛИКНИНГ БОШЛАНИШИ

Божхона тұлови сифатида амалда тұланган ёки ундирилган, миқдори тұланиши қерак бўлған суммадан оширилган сумма божхона тұловларининг ортиқча суммаси бўлиб ҳисобланади. Божхона кодекси (БК)нинг 113-моддасида таъкидланишича, ортиқча тұланган, шунингдек божхона режимларига мувофиқ қайтарилиши лозим бўлған божхона тұловларининг суммалари қайтарилиши ёхуд тұловчининг талабномаси бўйича қонун ҳужжатларida назарда тутилган тартибда бўлғуси тұловлар ҳисобига ўтказилиши лозим.

Қайтарыш механизми Ортиқча тұланган ёки ундирилган божхона тұловларини қайтарыш тұғрисида йўрикнома\* билан тартибга солинган. Унга кўра, ортиқча тұланган ёки ундирилган божхона тұловларини божхона органи тұловчи томонидан улар тұланган ёки ундирилган пайтдан бошлаб 1 йил мобайнида тақдим этилган, тұловларни қайтарыш ёки бўлғуси тұловлар ҳисобига киритиш талаб қилинган ёзма аризаси асосида қайтаради. Бунинг учун тұловчи фаолият зonasида божхона расмийлаштируви амалга оширилган ҳудудий божхона хизматига мурожаат қилиши мүмкін.

Божхона организма қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилганида тұловларни қайтарыш ёки бўлғуси тұловлар ҳисобига қабул қилиш тұғрисида қарор қабул қилинши мүмкін:

тұловчининг ортиқча тұлаш ёки ундирилган тұловларни, шунингдек пул маблагларни қайтарилиши керак бўлған унинг банк реквизитлари кўрсатилган ёзма аризаси;

унга мувофиқ тұловлар ҳисоблаб ёзилган ва ундирилган божхона юк декларацияси;

ижро этилгани тұғрисида ваколатли банк белгиси кўйилган, тегиши тұловчининг суммалари тұланғанлиги (ҳисобдан чиқарилғанлиги) тасдиқлайдын тұлов ҳужжати;

товарлар (ишлар, хизматлар)

\*ДБК томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 2000 йил 14 июляда 947-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

бошқа тұловларнинг ставкалари ўзарган бўлса;

божхона тұловларини тұлаш бўйича имтиёзлар берилса;

агар божхона тұловлари тұланган товарлар божхона назорати остида йўқ қилиниши қерак бўлса;

агар экспортга/импортга етказиб бериш амалга оширилмаган бўлса;


эгаси божхона органи ҳисобланған божхона омбори тугатилиши муносабати билан саклаш учун тұланган божхона йигимларининг бир қисми товарлар берилиши

ушбу нусхалар БЮДнинг тегишили нусхаларига тикиб қўйилади. Бунда божхона тұловлари суммалари уларни тұлаган ёки пул маблагларни сўзсиз тартибда ҳисобдан чиқарилған тұловчиларгагина қайтарилади.

**Маълумот учун! Қайтарыш божхона организмидан депозит ҳисобракамидан божхона тұловлари тұрлари бўйича, давлат бюджетига ёки ДБКнинг маҳсус фондига ўтказиладиган бошқа тұловчиларнинг маблагларидан**

## СУДГА МУРОЖААТ КИЛИШ УЧУН АСОС

Божхона организмидан фикрича, божхона тұловлари ортиқча тұланған ёки ундирилғанлиги ҳолда мавжуд бўлмаган тақдирда, у ариза берувчига уларни қайтариш ёки бўлғуси тұловлар ҳисобига киритиши рад этиш ҳуқуқига эгадир. Рад этиш тұғрисида қарор унга аниқ сабабларни кўрсаттан ҳолда ёзма хабарнома кўринишида юборилиши қерак. Божхона организмидан қароридан норози бўлган тақдирда тұловчи юкори



# ОРТИҚЧА ТҰЛОВНИ ҚАНДАЙ ҚАЙТАРИШ МУМКИН

чегарани ҳақиқатда кесиб ўтгани тұғрисида чегара божхона сининг белгиси кўйилған ҳолда товарга илова қилинувчи ҳужжатлар (зарур ҳолларда).

**Маълумот учун!** Божхона организма ҳужжатларининг тұлап қайтарыши ёки ундирилған божхона тұловларини қайтарыши ёки маблагларни қайтарыши ёки бўлғуси тұловлар ҳисобига киритиш улар тұланған ёки ундирилған пайтдан бошлаб 1 йил мобайнида амалга оширилиши мүмкін, тұварлар ва (ёки) транспорт воситалари божхона органларидан божхона расмийлаштирувидан ўтказилған сана ана шу пайт деб ҳисобланади. Божхона тұловларни қайтарыши ёки бўлғуси тұловлар ҳисобига киритиш талаб қилинган ёзма аризаси асосида қайтаради. Бунинг учун тұловчи фаолият зonasида божхона расмийлаштируви амалга оширилган ҳудудий божхона хизматига мурожаат қилиши мүмкін.

### ҚАЙТАРИШ ЁКИ ҲИСОБГА КИРИТИШ ШАРТЛАРИ

Агар тұловчидан қарор мавжуд бўлмаса, ортиқча тұланған ёки ундирилған, шу жумладан божхона органларининг депозит ҳисобракамларни орқали Республика бюджетига ўтказилған божхона тұловларининг суммалари қуйидаги ҳолларда бўлғуси тұловлар ҳисобига қайд этилади ёки тұловчидан қайтарыши:

товарнинг божхона қийматига тузатиш киритилиши муносабати билан божхона тұловларини суммалари қайта ҳисобланса;

